Birgalikda ijtimoiy davlat sari!

# O‘zbekiston Ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi facebook.com/uzbekistonovozi instagram.com/uzbekiston_ovozi www.uzbovozi.uz info@uzbovozi.uz

№47

2024-yil
20-noyabr, chorshanba

1918-yil
21-iyundan chiqa boshlagan



## ЯНГИ ЧАҚИРИҚНИНГ БИРИНЧИ ЙИҒИЛИШИ

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг сайловдан кейинги биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди.**

**Мажлис ҳақида president.uz сайти қуйидагиларни маълум қилди:**

**Мажлисни Марказий сайлов комиссияси раиси Зайниддин Низомхўжаев очди.**

**Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси янгради.**

**Биринчи мажлиснинг Муваққат котибияти, Саноқ комиссияси ҳамда Овозларни ҳисоблаш электрон тизимидан фойдаланишни назорат қилувчи муваққат гуруҳ сайлаб олинди ва кун тартиби тасдиқланди. Марказий сайлов комиссияси раиси Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайлов якунлари тўғрисида ахборот берди.**

**Сиёсий партиялар вакиллари кенгаши таклифига биноан, депутатлар яширин овоз бериш йўли билан Нуриддин Исмоиловни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери этиб сайладилар.**

**Шундан сўнг мажлисга раислик қилиш ваколати Спикерга ўтди. Спикернинг ўринбосарлари ҳам сайланди. Бешта сиёсий партиянинг фракциялари рўйхатга олинди, уларнинг келишилган таклифларига мувофиқ Қонунчилик палатасида ўнта қўмита тузилди.**

**Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев маъруза қилди.**

**Давлатимиз раҳбари сўзининг бошида депутатларни сайлангани билан табриклаб, бу халқимизнинг юксак ишончи ва ҳурмати ифодаси эканини таъкидлади.**

2 САҲИФАДА



## ФАҚАТ КУЧЛИ ИРОДА, БИРЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК, ҚАТТИҚ МЕҲНАТ БИЛАНГИНА ЮРТИМИЗДА ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАШГА ЭРИША ОЛАМИЗ

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди.**

**Мажлис ҳақида president.uz сайти қуйидагиларни маълум қилди:**

**Тадбирни Марказий сайлов комиссияси раиси Зайниддин Низомхўжаев очди.**

**Давлатимиз мадҳияси янгради.**

**Ялпи мажлис ишини ташкил этиш учун котибият ва электрон овоз бериш назорати бўйича гуруҳ тузилди, кун тартиби тасдиқланди. Марказий сайлов комиссияси раиси Олий Мажлис Сенатига сайлов натижалари тўғрисида ахборот берди.**

**Бу жараён янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда такомиллаштирилган миллий сайлов қонунчилигига биноан ошкора ва адолатли ўтгани таъкидланди. Асосий қонунимизга мувофиқ, Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда – 4 кишидан сайланди. Яна 9 нафар сенатор Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан тайинланди.**

5

## ҲУКУМАТ ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ ДАВОМ ЭТТИРИБ ТУРИШИ БЕЛГИЛАНДИ

**Жорий йилнинг 27 октябрь куни ўтказилган парламент сайловларига мувофиқ, Олий Мажлис палаталари янги таркибда шакллантирилди.**

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддаси ва “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасида Вазирлар Маҳкамаси Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиши белгиланган.**

**Шунга кўра, жорий йилнинг 19 ноябрь куни Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига мувофиқ, амалдаги Ҳукумат янги сайланган Олий Мажлис олдида ваколатларини зиммасидан соқит қилди.**

**Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини давом эттириб туриш тўғрисида” Фармони қабул қилинди.**

**Унда Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси янги таркибдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси шакллантирилгунига қадар ўз фаолиятини давом эттириб туриши белгиланди.**

## МУҲИМ ҒАЛАБА

**Ўзбекистон миллий терма жамоаси футбол бўйича Осиё қитъасида жаҳон чемпионати 3-саралаш босқичининг 6-тури доирасида КХДР термасига қарши сафарда рақобатлашди.**

**Лаоснинг Вьентьян шаҳридаги “Лао” стадионида ўтказилган мазкур ўйинда вакилларимиз 1:0 ҳисобида муҳим ғалабага эришди. Учрашувдаги ягона голга Аббосбек Файзуллаев муаллифлик қилди. Мазкур ғалабадан сўнг терма жамоамиз ҳисобидаги очколар сони 13 тага етиб, гуруҳда иккинчи ўринни эгаллаб турибмиз.**

**Энди Сречко Катанец бошчилигидаги терма жамоамиз “А” гуруҳида навбатдаги ўйинини 2025 йилнинг 20 март куни Қирғизистон термасига қарши ўтказади.**



## ХАЛҚ МАНФААТИ УСТУН

**Маълумки, энди халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига ҳокимлар эмас, балки депутатлар орасидан сайланган Кенгаш раислари бошчилик қилади. Шунингдек, Кенгаш сўрови ва Кенгаш текшируви каби янги механизмлар орқали ҳудудий ижро органлари фаолияти устидан назорат кучайтирилади. 2026 йилдан бошлаб туман ва шаҳар Кенгашларига ҳам ҳокимлар раислик қилмайди.**

**Ушбу янги тизимнинг халқимиз ҳаётидаги, депутатлар фаолиятидаги, умуман, янги ислоҳотлар давридаги аҳамияти хусусида Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази Сирдарё вилоят ҳудудий бўлинмаси раҳбари Шерали МАМАДЕЦОЕВ билан суҳбатлашдик.**

7

ЯНГИЛИК

## ИПОТЕКА СУБСИДИЯЛАРИНИ ОЛИШ ТАРТИБИ ЎЗГАРДИ

**Президентимизнинг 2024 йил 30 апрелдаги “2024 йилда ипотека кредитларини ажратиш механизмларини такомиллаштириш ва аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ижроси доирасида 2024 йил 11 ноябрда Вазирлар Маҳкамасининг “Ипотека кредитларини ажратиш механизмлари такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди.**

8



# ЯНГИ ЧАҚИРИҚНИНГ БИРИНЧИ ЙИҒИЛИШИ

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг сайловдан кейинги биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди.**

**Мажлис ҳақида president.uz сайти қуйидагиларни маълум қилди:**

**Мажлисни Марказий сайлов комиссияси раиси Зайниддин Низомхўжаев очди.**

**Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси янгради.**

**Биринчи мажлиснинг Муваққат котибияти, Саноқ комиссияси ҳамда Овозларни ҳисоблаш электрон тизимидан фойдаланишни назорат қилувчи муваққат гуруҳ сайлаб олинди ва кун тартиби тасдиқланди. Марказий сайлов комиссияси раиси Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайлов якунлари тўғрисида ахборот берди.**



Сиёсий партиялар вакиллари кенгаши таклифига биноан, депутатлар яширин овоз бериш йўли билан Нуриддин Исмоиловни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери этиб сайладилар.

Шундан сўнг мажлисга раислик қилиш ваколати Спикерга ўтди. Спикернинг ўринбосарлари ҳам сайланди. Бешта сиёсий партиянинг фракциялари рўйхатга олинди, уларнинг келишилган таклифларига мувофиқ Қонунчилик палатасида ўнта қўмита тузилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг бошида депутатларни сайлангани билан табриклаб, бу халқимизнинг юксак ишончи ва ҳурмати ифодаси эканини таъкидлади.

Бу йилги парламент сайлови янгиланган Конституциямизга мувофиқ ўтказилган илк сайлов сифатида тарихга киргани алоҳида қайд этилди. Шунингдек, бу жараён биринчи марта аралаш сайлов тизимида ўтди.

Сайловлар натижасида Қонунчилик палатасига 150 нафар депутат сайланди. Уларнинг 57 нафари аёллар, 11 нафари 35 ёшгача бўлган йигит-қизлар бўлди. Умуман, бу йил қуйи палата таркиби қарийб 60 фоизга янгиланди.

Палатанинг сўнгги беш йилдаги фаолиятига баҳо берилди. Бу даврда мамлакатимиз Конституцияси янгиланди. 130 дан ортиқ янги ва яхлит қонунлар қабул қилинди. Бу – олдинги даврга нисбатан 1,5 карра кўп.

Президент парламент эътиборидан четда қолган масалаларга ҳам тўхталиб ўтди. Масалан, тўғридан-тўғри ишлайдиган ва аниқ ижро механизмларига эга қонунлар улуши камлигича қолмоқда. Парламент ва депутатлик назорати кучидан тўла фойдаланилмаяпти. Депутатларнинг сайлов округидаги фаолияти асосан учрашувлар ташкил этиш, шикоят ва саволларга расмий жавоб бериш билан чекланиб қолмоқда.

Давлатимиз раҳбари Қонунчилик палатаси олдидаги янги вазифалар ҳақида ўз фикрларини билдирди.

Хусусан, фуқаролик жамияти институтлари билан мулоқотни кучайтириш мақсадида ҳар бир қўмита қошида уларнинг вакилларидан иборат жамоатчилик кенгашлари тузиш таклиф этилди.

Парламент қўмиталари вазирликлар билан ишлашда фақат назорат ва талаб этиш эмас, балки улар билан яқиндан ҳамкорлик қилиши муҳим. Партиявий ва фракциявий интизомни мустаҳкамлаш масаласи ҳам асосий эътиборда бўлиши керак.

Президент қонун ижодкорлиги, аввало, жамиятдаги долзарб масалалар ечимига қаратилиши кераклигини таъкидлаб, қатор қонунчилик ташаббусларини илгари сурди. Жумладан, эскирган уйлар ўрнида замонавий турар жойлар қуриш, фуқароларнинг уй-жой қурилишига йўналтирган маблағларини кафолатли ҳимоя қилиш, хусусий таълим ва электр энергетикаси соҳасида инвесторларни қўллаб-қувватлаш, мажбурий тиббий суғурта ва сунъий интеллектни қўллаш, франчайзинг, капитал бозори, "стартап"лар соҳасидаги муносабатларнинг қонуний асосларини яратиш вазифаси қўйилди.

Ғоялар курашини жонлантириш учун парламентдаги мухолифатга кафолатланган ҳуқуқлари сонини 3 тадан 6 тага ошириш, 1 нафар қўмита раиси ва 2 нафар қўмита раиси ўринбосари лавозимларини кафолатли эгаллаш, ҳар чоракда "Ҳукумат соати" ва парламент сўрови доирасида камида биттадан масала киритиш каби қўшимча ҳуқуқлар бериш таклиф қилинди.

Парламент назоратида кенг кўламли, сифатли назорат тизимига ўтиш зарурлиги таъкидланди. Хусусан, янгиланган Конституциямизга кўра, Давлат бюджети ижроси устидан назоратни амалга ошириш Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатига киради. Шу боис палатанинг бу борадаги ишини янада кучайтириш, жумладан, Ҳукуматнинг давлат бюджетига доир барча ҳисоботларини палатага фақат Бюджет кодексида белгиланган аудит хулосаси билан биргаликда киритиш амалиётига ўтиш кераклиги айтилди.

Давлатимиз раҳбари инвестиция дастурларини тайёрлашда депутатлар ҳам иштирок этадиган, уларнинг фикри инобатга олинадиган тизим яратиш зарурлигини таъкидлади. Бундан ташқари, ҳудудларнинг молиявий имкониятларини ошириш мақсадида келгуси йилдан ер, мол-мулк ва айланма солиқларини тўлиқ, даромад солиғининг эса камида 50 фоизини туман ва шаҳарнинг ўзида қолдириш таклиф этилди.

Фуқароларнинг ташаббусларини фаол қўллаб-қувватлаш мақсадида Қонунчилик палатаси ҳузурида Жамоавий ташаббуслар бўйича парламент комиссияси ташкил этиш ҳақида фикр билдирилди.

Парламент дипломатияси – давлатимиз ташқи сиёсатида муҳим восита. Бундай алоқаларни янада ривожлантириш мақсадида қуйи палатада қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилоти битимларига уйғунлаштириш, иқлим ўзгариши оқибатларини камайтириш ва "яшил" иқтисодиётга ўтишни тезлаштириш масалалари бўйича парламент комиссиялари ташкил этиш таклифи илгари сурилди.

Президентимиз ўттиз етти миллиондан ортиқ аҳолига эга Ўзбекистондек катта давлатнинг парламенти аъзоси бўлиш улкан шараф эканини таъкидлади.

– Депутат бу халқ хизматчиси, барчага ўрнак бўладиган, сиёсий билими ва онги юксак, ўз Ватанини чин дилдан севадиган инсондир. Оила, маҳалла ва бутун жамиятда тинчлик, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, халқаро майдонда Ўзбекистон манфаатларини қатъий ҳимоя қилишда халқимиз, барчамиз аввало сизларга таянамиз, – деди Шавкат Мирзиёев.

> ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИДА КЕНГ КЎЛАМЛИ, СИФАТЛИ НАЗОРАТ ТИЗИМИГА ЎТИШ ЗАРУРЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ. ХУСУСАН, ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯМИЗГА КЎРА, ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИ УСТИДАН НАЗОРАТНИ АМАЛГА ОШИРИШ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ МУТЛАҚ ВАКОЛАТИГА КИРАДИ.

Мажлисда сиёсий партиялар фракция раҳбарлари ва депутатлар сўзга чиқди. Президентимиз фикрларни қўллаб-қувватлаб, депутатларни жонкуяр ва халқпарвар бўлишга ундади.

– Сиз жойлардаги одамларнинг вакили, халқнинг овозисизлар. Буюк халқимиз билдирган ишончга муносиб бўлишингиз керак. Ҳар бир масалага ёндашувда, қонунлар ишлаб чиқишда узоқ-яқин туманлардаги инсонларни кўз олдингизга келтириб, фақат бугунни эмас, келажак авлодларни ҳам ўйлаб иш тутсангиз, элимиз сиздан рози бўлади, – деди давлатимиз раҳбари.

## *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг сайловдан кейинги биринчи мажлисида билдирилган муҳим фикрлар*

**САЙЛОВЛАРНИ ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ, ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ, МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ КАБИ 13 ТА НУФУЗЛИ ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТ, 40 ДАН ЗИЁД ДАВЛАТДАН 850 НАФАР ХОРИЖИЙ ВА 65 МИНГДАН ЗИЁД МАҲАЛЛИЙ КУЗАТУВЧИЛАР, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ МИНГДАН ОРТИҚ ВАКИЛЛАРИ КУЗАТИБ БОРДИ.**

**САЙЛОВЛАР НАТИЖАСИДА ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ТАРКИБИ ҚАРИЙБ 60 ФОИЗГА ЯНГИЛАНИБ, 87 НАФАР ЯНГИ ДЕПУТАТ САЙЛАНДИ.**

**ТАРИХИМИЗДА ИЛК БОР НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ФУҚАРОМИЗ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТИ ЭТИБ САЙЛАНДИ. БУ – ПАРЛАМЕНТИМИЗНИ ТОМ МАЪНОДА ИНКЛЮЗИВ ОРГАНГА АЙЛАНТИРИШ, УШБУ ҚАТЛАМ МАНФААТЛАРИНИ ЯНАДА КЕНГ ИФОДА ЭТИШ ЙЎЛИДА НАВБАТДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ БЎЛГАНИ ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ.**



**ПРЕЗИДЕНТ ПАРТИЯЛАР САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ ДАВОМИДА ИЛГАРИ СУРГАН ВА ХАЛҚИМИЗ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАГАН ҲАР БИР ТАКЛИФ АЛБАТТА КЎРИБ ЧИҚИЛИШИ ВА АМАЛГА ОШИРИЛИШИНИ ТАЪКИДЛАДИ.**

**ЖУМЛАДАН, ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР УЧУН ШАРОИТЛАРНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ, АҲОЛИМИЗНИНГ ПЕНСИЯГА ЧИҚИШДАГИ КАФОЛАТЛИ ҲУҚУҚЛАРИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ БЎЙИЧА ТАШАББУСЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАДИ.**




**ЯНГИ ТАРКИБДА 63 НАФАР ДЕПУТАТ ҚАЙТА САЙЛАНГАНИ ЭСА ПАРЛАМЕНТ ИШИДА УЗВИЙЛИК ВА ПРОФЕССИОНАЛИЗМНИ ТАЪМИНЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛИШИ ҚАЙД ЭТИЛДИ.**

**КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ПАЛАТА ФАОЛИЯТИДА ЖАМОАТЧИЛИК ИШТИРОКИ ЯНАДА КУЧАЙДИ.**

**ХУСУСАН, ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯМИЗДА 100 МИНГ НАФАРДАН КАМ БЎЛМАГАН ФУҚАРОЛАР ЎЗ ТАКЛИФЛАРИНИ ҚУЙИ ПАЛАТАГА КИРИТИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА ЭКАНИ КАФОЛАТЛАНДИ.**

**ФУҚАРОЛАРНИНГ ТАШАББУСЛАРИНИ ФАОЛ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАҚСАДИДА ПРЕЗИДЕНТ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ҲУЗУРИДА ЖАМОАВИЙ ТАШАББУСЛАР БЎЙИЧА ПАРЛАМЕНТ КОМИССИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛДИ.**

**СЎНГГИ ЙИЛЛАРДА БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ВА МИНТАҚА ДОИРАСИДА БИР ҚАТОР ЙИРИК ТАШАББУСЛАР ИЛГАРИ СУРИЛГАНИ, ЛЕКИН ШУ ТАШАББУСЛАРНИНГ МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИНИ ХАЛҚИМИЗГА ЕТКАЗИШДА ДЕПУТАТЛАРДА, АФСУСКИ, ФАОЛЛИК ЕТИШМАЁТГАНИ ТАЪКИДЛАНДИ.**

**ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ЖАРАЁНИ, АВВАЛО, ЖАМИЯТИМИЗДАГИ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАР ЕЧИМИГА, ХАЛҚИМИЗНИНГ ОҒИРИНИ ЕНГИЛ ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛИШИ КЕРАКЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ.**

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ДЕПУТАТЛАРНИ ВАКОЛАТЛАРИ ДОИРАСИДА ЎЗ ОКРУГЛАРИДАГИ ТУМАН ВА ШАҲАР ДАРАЖАСИДА СЎРОВ ВА ТАЛАБНИ ҲЕЧ ТОРТИНМАСДАН КУЧАЙТИРИШГА ЧАҚИРДИ.**

**ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯГА КЎРА, ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИ УСТИДАН НАЗОРАТНИ АМАЛГА ОШИРИШ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ МУТЛАҚ ВАКОЛАТИГА КИРАДИ. БУ МУҲИМ ВАКОЛАТ ДЕПУТАТЛАРИМИЗ ЗИММАСИГА КАТТА МАСЪУЛИЯТ ҲАМ ЮКЛАЙДИ.**

**БИРИНЧИ ГАЛДА ПАЛАТАНИНГ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШНИНГ ВАҚТИ-СОАТИ КЕЛГАНИ ТАЪКИДЛАНДИ.**

**ЖУМЛАДАН, ҲУКУМАТНИНГ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИГА ДОИР БАРЧА ҲИСОБОТЛАРИНИ ПАЛАТАГА ФАҚАТ БЮДЖЕТ КОДЕКСИДА БЕЛГИЛАНГАН АУДИТ ХУЛОСАСИ БИЛАН БИРГАЛИКДА КИРИТИШ АМАЛИЁТИГА ЎТИШ КЕРАК.**

**СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИ ҚЎЛЛАШ ОРҚАЛИ ЮЗАГА КЕЛАДИГАН МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ЯРАТИШ МАСАЛАСИГА ҲАМ АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ МУҲИМЛИГИ АЙТИБ ЎТИЛДИ.**

**ЭНГ КАТТА КАМЧИЛИК – ВАЗИРЛИКЛАР ҚУЙИ БЎҒИНДА, АЙНИҚСА, ТУМАН ВА ШАҲАР ДАРАЖАСИДА САМАРАЛИ ИШ ТАШКИЛ ЭТИЛМАЁТГАНИ ҚАЙД ЭТИЛИБ, ЭНДИ АҲОЛИ БИЛАН БЕВОСИТА МУЛОҚОТ ҚИЛИБ, ОДАМЛАРНИ ҚИЙНАЁТГАН МУАММОЛАРНИ ЖОЙИДА ҲАЛ ЭТИШ УЛАР УЧУН БОШ ВАЗИФА БЎЛИШИ КЕРАКЛИГИГА УРҒУ БЕРИЛДИ.**

**КЕЛГУСИ ЙИЛДА ИЛК БОР ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ОНЛАЙН УЛГУРЖИ БОЗОРИ ИШГА ТУШАДИ. ШУ БОИС, ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН БУ СОҲАДА БОЗОР МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ЯРАТИШНИ ТЕЗЛАШТИРИШ ЗАРУРЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ.**

**ЯНГИ ДАВРДА ПАРЛАМЕНТ ЧИНАКАМ ХАЛҚ УЙИ, УНИНГ ҚУЙИ ПАЛАТАСИ ЭСА ҒОЯЛАР ГЕНЕРАТОРИГА, СОҒЛОМ РАҚОБАТ, БАҲС ВА МУНОЗАРАЛАР МАЙДОНИГА АЙЛАНИШИ КЕРАК.**

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ПАРЛАМЕНТДА МУХОЛИФАТНИ ЖОНЛАНТИРИШ ЗАРУРЛИГИНИ АЙТДИ.**

**БУНИНГ УЧУН ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХОЛИФАТГА КАФОЛАТЛАНГАН ҲУҚУҚЛАРИ СОНИНИ 3 ТАДАН 6 ТАГА ОШИРИШ, 1 НАФАР ҚЎМИТА РАИСИ ВА 2 НАФАР ҚЎМИТА РАИСИ ЎРИНБОСАРИ ЛАВОЗИМЛАРИНИ КАФОЛАТЛИ ЭГАЛЛАШ, ҲАР ЧОРАКДА “ҲУКУМАТ СОАТИ” ВА ПАРЛАМЕНТ СЎРОВИ ДОИРАСИДА КАМИДА БИТТАДАН МАСАЛА КИРИТИШ КАБИ ҚЎШИМЧА ҲУҚУҚЛАР БЕРИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛДИ.**

**САЙЛОВЛАРДАГИ СОҒЛОМ РАҚОБАТ, МУХОЛИФ ФИКРЛАР КУРАШИ ПАРЛАМЕНТГА КЎЧИБ ЎТСА, БУ АЛБАТТА ХАЛҚ МАНФААТЛАРИГА МОС ҚОНУНЛАР ИШЛАБ ЧИҚИЛИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛИШИГА ИШОНЧ БИЛДИРИЛДИ.**

**ТУМАН ВА ШАҲАРЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ ИМКОНИЯТЛАРИНИ ОШИРИШ МАҚСАДИДА КЕЛГУСИ ЙИЛДАН ЕР, МОЛ-МУЛК ВА АЙЛАНМА СОЛИҚЛАРИНИ ТЎЛИҚ, ДАРОМАД СОЛИҒИНИНГ ЭСА КАМИДА 50 ФОИЗИНИ ТУМАН ВА ШАҲАРНИНГ ЎЗИДА ҚОЛДИРИШ ТАКЛИФ ЭТИЛДИ.**

**ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ, АВВАЛО, СИЁСИЙ НАЗОРАТДИР, УНИНГ ОҚИБАТИ ҲАМ СИЁСИЙ МАСЪУЛИЯТ БИЛАН БОҒЛИҚДИР. ПРЕЗИДЕНТ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА ҲУКУМАТ АЪЗОСИ ҲИСОБОТИНИ ЭШИТИБ, УНИНГ ЯКУНЛАРИГА КЎРА, УШБУ РАҲБАРНИ ИСТЕЪФОГА ЧИҚАРИШ ТЎҒРИСИДА ПРЕЗИДЕНТГА ТАКЛИФ КИРИТИШ ҲУҚУҚИ БЕРИЛГАНИНИ ЭСЛАТИБ ЎТДИ.**

**ҚУЙИ ПАЛАТАДАГИ 12 ТА ҚЎМИТА ЎРНИДА 10 ТА ЯНГИЛАНГАН ҚЎМИТА ТАШКИЛ ҚИЛИНДИ.**

**ҲАР БИР ҚЎМИТА ҚОШИДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ ВАКИЛЛАРИДАН ИБОРАТ ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШЛАРИ ТУЗИЛСА, ЯХШИ САМАРА БЕРИШГА ИШОНЧ БИЛДИРИЛДИ.**

***“ДЕПУТАТ – БУ ХАЛҚ ХИЗМАТЧИСИ, БАРЧАГА ЎРНАК БЎЛАДИГАН, СИЁСИЙ БИЛИМИ ВА ОНГИ ЮКСАК, ЎЗ ВАТАНИНИ ЧИН ДИЛДАН СЕВАДИГАН ИНСОНДИР.***

***ОИЛА, МАҲАЛЛА ВА БУТУН ЖАМИЯТДА ТИНЧЛИК, МЕҲР-ОҚИБАТ ВА ҲАМЖИҲАТЛИК МУҲИТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ, ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ, ХАЛҚАРО МАЙДОНДА ЎЗБЕКИСТОН МАНФААТЛАРИНИ ҚАТЪИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ХАЛҚИМИЗ, БАРЧАМИЗ АВВАЛО СИЗЛАРГА ТАЯНАМИЗ.***

***МЕН ПРЕЗИДЕНТ СИФАТИДА СИЗЛАРНИ БУ ЙЎЛДА ДОИМО ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ТАЙЁРМАН.***

***ИШОНЧИМ КОМИЛ, БАРЧАМИЗ БИР ТАНУ БИР ЖОН БЎЛИБ, СИДҚИДИЛДАН МЕҲНАТ ҚИЛИБ, ЖОНАЖОН ВАТАНИМИЗНИ АЛБАТТА ТОМ МАЪНОДА ЭРКИН, ОБОД ВА ФАРОВОН МАМЛАКАТГА АЙЛАНТИРАМИЗ”, - ДЕДИ ПРЕЗИДЕНТ НУТҚИНИНГ ЯКУНИДА.***

МУНОСАБАТ

# “ПАРЛАМЕНТ ЧИНАКАМ ХАЛҚ УЙИГА АЙЛАНИШИ КЕРАК...”



## Парламент қуйи палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоларининг дастлабки мажлисдан кейинги режалари, вазифалари ва хулосалари



**Муқаддас ЎРОЗАЛИЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:**

– Давлатимиз раҳбари белгилаб берган ҳар бир вазифа замирида оддий ва ҳаётий, исбот талаб этмайдиган ҳақиқатлар турганини англадим. Бугунги парламент ислоҳотлари халқимиз истаги ва хорижий давлатлар тажрибасига мос келаётганига яна бир бор гувоҳ бўлдим. Парламент фаолиятини янада кучайтириш, юртимизнинг эртанги куни, олдимиздаги энг муҳим вазифалар ҳақида чуқур таҳлилга асосланган мулоҳазалар илгари сурилди.

Нутқни залда катта ҳаяжон билан тингладим, сабоқ олдим, ўзимга хулосалар чиқардим. Унда парламентнинг жамиятда тутган ўрни ва таъсирини ошириш ҳақида концептуал характерга эга теран фикрлар баён этилди. Чиндан ҳам, янги давр учун янги ғоя ва ташаббуслар керак, янги натижалар зарур.

Энг муҳим масалалар қаторида парламент назоратини кучайтириш вазифасига эътибор қаратилди. Парламент назорати, аввало, сиёсий назоратдир, унинг оқибати ҳам сиёсий масъулият билан боғлиқ бўлиши кераклиги таъкидланди.

Парламент фаолиятида ютуқлар билан бирга эътибордан четда қолган масалалар бўлгани ҳам қайд этилди. Биз депутатларни вазирлик ва идораларнинг харажатлари устидан кучлироқ назорат ўрнатишга чақирди. Давлат раҳбарининг сўзларига кўра, парламент назорати тўлақонли таъсирчан институтга айланди, деб ҳозирча айтиб бўлмайди. Парламент ва депутатлик назорати ижтимоий соҳа билан чекланиб қолмоқда.

Янгиланган Конституцияга кўра, Давлат бюджети ижроси устидан назоратни амалга ошириш Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатига киради. Бу муҳим ваколат депутатлар зиммасига катта масъулият ҳам юклайди.

Тўғри, биз парламентда бир неча йилдан буён бюджетнома шаклидаги қонунни кўриб, тасдиқлаяпмиз. Лекин унинг ижроси бўйича “қанча пул қаерга сарфланди?” деган умумийроқ саволлар билан чегараланиб қолиш ҳолатлари бўлади.

Ҳақиқатан ҳам, авваламбор, бюджет ижросига нисбатан танқидий ёндашувни кучайтиришни, масъул вазирлик-идоралар раҳбарлари зиммасига шахсий жавобгарликни юклаш, очиқ ва таъсирчан чоралар кўриш масаласини кечиктириб бўлмайди. Бу Давлат бюджети ижросидаги камчиликларни бартараф этишда муҳим аҳамиятга эга, деб ўйлайман.

Нутқни тинглай туриб, ҳар биримиздан фидойиликдан ташқари шиддаткорлик, ўз фаолиятини ақл ва илм билан, албатта, халқ фикри асосида ташкил этиш кўникмалари талаб қилинаётганини англадим.

Давлатимиз раҳбари қуйи палатанинг янги таркиби қайд этилган масалалар бўйича янгича ишлашига умид билдирди. Олдинги йиллардаги депутатлик фаолиятимда тўплаган тажриба ва кўникмалардан келиб чиқиб, бугунги давр талабини ҳис қилиб, ишончни оқлашга, кучли ва синчков параламент шаклланиши учун муносиб ҳисса қўшишга қўлимдан келганча ҳаракат қиламан.



**Анвархон ТЕМИРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:**

– Қонунлар жамият устуни, демак мукаммал ва ҳаётий қонунлар қабул қилиш, адолатли жамият барпо этишга бурчлимиз, бу зиммамиздаги бирламчи вазифа. Давлатимиз раҳбарининг нутқини тинглаб, шулар ҳақида ўйладим. Айни вақтда фаолиятимизни янада кучайтириш, янги ўзгаришлар остонасида турганимизни ҳис қилдим.

Президентимиз тўғри таъкидлади – янги даврда парламент қуйи палатаси ғоялар генераторига, соғлом рақобат, баҳс ва мунозаралар майдонига айланиши керак. Жойларда аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича дастурларни ишлаб чиқишда парламентнинг фаол иштирок этиши муҳимлиги қайд этилди. Сайловчилар билан мулоқотлар пайтида билдирилган фикр-мулоҳазалар, амалий таклиф ва ташаббуслар асосида биз дастурларни янада такомиллаштириш устида иш олиб боришимиз керак, деб ўйлайман.

Фуқароларнинг ташаббусларини фаол қўллаб-қувватлаш мақсадида Президент Қонунчилик палатаси ҳузурида Жамоавий ташаббуслар бўйича парламент комиссиясини ташкил этиш таклифи чуқур маънога эга. Чунки, мамлакатимизнинг тақдири ва фаровонлиги билан боғлиқ устувор масалаларни ҳал этишда кенг жамоатчилик, ҳар қайси фуқаронинг фикри ўта муҳимдир. Бу халқчил давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, инсон қадр-қимматини таъминлашга хизмат қилади.

Албатта, ҳар бир саъй-ҳаракат, ислоҳот замирида парламентни ҳақиқий халқ уйига, юқори самара билан ишлайдиган тизимга айлантириш истаги мужассам. Ислоҳотларимиз суръатини пасайтирмасдан, шиддат билан ривожланаётган замонга мос ҳаракат қилсак, кўзланган натижага эришамиз. Биз ана шу ҳал қилувчи тамойилни ҳаётимиз қоидасига айлантиришимиз керак.



**Ибо НАРИЗОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:**

– Парламент қутлуғ маскан. Бу ерда мамлакатимиз равнақи йўлида муҳим қонун ва қарорлар қабул қилинади. Ушбу нуфузли даргоҳга кирар эканман, юксак ишончга муносиб бўлиш масъулиятини янада чуқурроқ ҳис қилдим.

Президентимиз ўттиз етти миллиондан ортиқ аҳолига эга Ўзбекистондек катта давлатнинг парламенти аъзоси бўлиш улкан шараф эканини таъкидлади.

Шундай ҳаяжонли дақиқаларда бир фикрни алоҳида таъкидлашни истардим: мақсад муҳим, ижро, эришиш ундан ҳам муҳим. Президентимизнинг парламент минбарида туриб, айтган ҳар бир таклифи, вазифаси биз учун дастурулмалдир. Кўтарилган ҳар бир масала аниқ ва ўринлидир.

Депутатларнинг сайлов округидаги фаолияти асосан учрашувлар ташкил этиш, шикоят ва саволларга расмий жавоб беришдан иборат бўлиб қолаётгани, ислоҳотларнинг муҳим қисми бўлган камбағалликни қисқартириш масаласида депутатларимиз ҳали ўз ўрнини топа олмагани таъкидланди.

Камбағалликни қисқартириш, аҳолининг даромад манбаларини мустаҳкамлаш, халқимиз ҳаётини тубдан яхшилаш ҳаммамизнинг муҳим вазифамиздир. Бунинг учун, албатта, яратувчанлик, бунёдкорлик руҳида яшаётган одамларимизнинг салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқаришга ўзимизни масъул ҳисоблашимиз керак.

Бу борадаги танқидий фикрлардан тўғри хулоса чиқариб, яхши натижа учун ишлашга бор куч-ғайратимизни бағишлаймиз.



**Зокиржон ЗОҲИДОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:**

— Қонунчилик палатасининг биринчи мажлисида қатнашар эканман, эзгу ўйлар хаёлимдан ўтди. Президентимиз таъкидлаганидек, ҳар қандай сайлов давлат ва жамият учун муҳим сиёсий жараён. Айниқса, жаҳондаги бугунги кескин ва таҳликали вазиятда бундай умумхалқ тадбирларини ўтказиш янада катта масъулият талаб этади. Дунёдаги мураккаб даврда сайловларнинг осойишталик шароитида, эмин-эркин ўтказилгани юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик ифодаси, албатта. Бу бебаҳо бойлигимиз, яъни, осойишта ҳаётимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, мустаҳкамлашимиз зарур.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутати сифатида буни янада чуқур англаб турибмиз. Бизнинг камтарона меҳнатимизга халқимизнинг юксак баҳоси ва билдирган ишончидан бошимиз кўкка етганидек, зиммамиздаги масъулият юкини ҳам қалбдан ҳис қиляпмиз.

Халқимизнинг сиёсий тафаккури тубдан ўзгарди. Сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги роли ва иштироки кучайди. Буларнинг барчаси аралаш сайлов тизимини жорий этишга мустаҳкам замин яратди. Кўплаб давлатларда бундай ислоҳотларни ўтказиш учун ўн йиллар керак бўлган. Шу маънода, Ўзбекистон аралаш сайлов тизимини қисқа фурсатда, дадил жорий этишга эришган кам сонли мамлакатлардан бири, дейишга муносибдир.

Умуман, мажлисда айтилган ҳар бир фикр, билдирилган таклиф ва мулоҳазаларда ҳаётий ҳақиқатлар мужассам. Муҳими, йиғилишда иштирок этган депутатлар ўз устида тинимсиз ишлаши кераклигини яна бир бор мақсад қилиб олганига шубҳа йўқ. Шулар қаторида мен ҳам, ўзимга режалар белгилаб олдим. Одамларнинг кайфиятига ижобий таъсир қилувчи, партиямиз электорати манфаатларига мос, сайловчилар ишончини оқлашга қаратилган ишларни кучайтириш ҳақида бир қанча фикрлар туғилди. Ўйлайманки, дастурий ташаббусларимизни ҳаётга изчил татбиқ этишда фракциямиз билан ҳамжиҳатликда самарали фаолият юритамиз.



**Сайёра ИМОМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:**

— Қуйи палата мажлисида давлатимиз раҳбари томонидан юртимизда кўп сонли миллат ва элат вакиллари аҳил-иноқликда ягона оила бўлиб яшаб келаётгани, бугунги кунда уларнинг ҳам давлат ва жамият бошқарувидаги фаоллиги ошиб бораётгани хусусида муҳим фикрлар билдирилди.

Президентимиз сайловлар якунлари бўйича парламент қуйи палатасида кам сонли миллат вакиллари улуши 12,5 фоизга етгани, бу эса жуда катта инклюзивлик ва ўзбек халқининг бағрикенглиги намунаси бўлаётганини алоҳида қайд этди.

Дарҳақиқат, юртимиз азалдан турли миллат ва элат вакиллари тинч-тотувликда яшаган, турли халқлар маданиятлари уйғунлашган макон ҳисобланади. Бугун ҳам мамлакатимиздаги янгиланиш жараёнларида миллатлараро тотувликни таъминлаш, жамиятимизда ижтимоий барқарорлик, ўзаро меҳр-оқибат, инсон шаъни, қадр-қимматини улуғлашга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Ҳозирда юртимизда яшаб келаётган 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари Конституция ва қонунларимиз тақдим этган тенг ҳуқуқ ва имкониятлардан фойдаланиб, иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва ижтимоий соҳада, илм-фан ва маданият йўналишларида самарали меҳнат қилишмоқда. Ватанимиз равнақи, республикамизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини оширишга ҳисса қўшиб келишмоқда.

Шундай экан, бу борада олиб борилаётган изчил ислоҳотлар замирида жамиятда турли миллатлар вакиллари ўртасидаги ҳамжиҳатликни таъминлаш, диёримиздаги барча миллат ва элат вакилларини аҳил бир оилага бирлаштириш ғоялари устувор ҳисобланади.

Мажлисда давлатимиз раҳбари депутат ватанига содиқ, ватанини, инсонларни яхши кўрадиган, виждонли одам бўлиши кераклигини таъкидлади. Бу биз депутатларга куч бериб, янги ташаббусларга руҳлантиради. Ана шундай катта шижоат, интилувчанлик, янгича ёндашув асосида иш бошлашга ундовчи сўзлар ҳаётим ва фаолиятимда менга дастуруламал бўлишига ишонаман.



**Имомназар ТУРСУНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:**

— Мажлисда катта ҳаяжон, шараф ва масъулият билан иштирок этдим. Зеро, бу йилги сайловлар бутунлай янгича тизимда ўтгани, янги таҳрирдаги Конституция талабларига уйғун экани билан тарихда қолади. Ана шундай тарихий сананинг бевосита иштирокчиси бўлиш мен учун фахр эканини мамнуният билан таъкидлашни истардим.

Тўғриси, ўша кунги ҳаяжон ҳали ҳам тарк этгани йўқ. Депутатлик мақоми ортида халқимиз билдирган ишонч, давлат раҳбари кутаётган натижалар, сайловчиларга берилган ваъдалар бор. Депутатлик фаолиятимни Демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари қўмитаси аъзоси сифатида бошлайман. Бу ҳам ҳаётга яқин бўлиш, фикр ва интилишларга мутаносиб равишда ишлаш зарурлигини кўрсатади.

Мажлисда Президентимиз сайлов кампанияси давомида илгари сурилган ва халқимиз қўллаб-қувватлаган ҳар бир таклиф албатта кўриб чиқилиши ва амалга оширилишини таъкидлади. Партиямиз илгари сурган ташаббусларнинг бир нечтасига алоҳида эътибор қаратилди. Уларни ҳаётга татбиқ этишда нималарга эътибор қаратиш зарурлиги бўйича ҳам таклифлар билдирилди.

Келгуси беш йилда Қонунчилик палатаси олдида ғоят улкан вазифалар турибди. Бунинг учун, аввало, парламентни чинакам халқ уйига, қуйи палатани эса ғоялар генераторига, соғлом рақобат, баҳс ва мунозаралар майдонига айлантириш талаб этилади. Буни ким қилади? Албатта, халқ ишонч билдирган депутатлар амалга ошириши зарур. Демак, ҳар биримиздан катта меҳнат, масъулият ва шунга мос равишда тажриба, билим ҳамда ташаббус лозим. Биз депутатлар муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини чуқур ўрганиб, аниқ ечимларини топишимиз керак.

Президентимиз таъкидлаганидек, парламент қўмиталари вазирликлар билан ишлашда улар билан яқиндан ҳамкорлик қилишга аҳамият берса, айни муддао бўлади.

Оила, маҳалла ва бутун жамиятда тинчлик, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, халқаро майдонда Ўзбекистон манфаатларини қатъий ҳимоя қилиш она юртимизга фарзандлик бурчимиздир.

МУҲИМИ, ЙИҒИЛИШДА ИШТИРОК ЭТГАН ДЕПУТАТЛАР ЎЗ УСТИДА ТИНИМСИЗ ИШЛАШИ КЕРАКЛИГИНИ ЯНА БИР БОР МАҚСАД ҚИЛИБ ОЛГАНИГА ШУБҲА ЙЎҚ.





# ФАҚАТ КУЧЛИ ИРОДА, БИРЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК, ҚАТТИҚ МЕҲНАТ БИЛАНГИНА ЮРТИМИЗДА ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАШГА ЭРИША ОЛАМИЗ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ БИРИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ИШТИРОК ЭТДИ.**

**МАЖЛИС ҲАҚИДА PRESIDENT.UZ САЙТИ ҚУЙИДАГИЛАРНИ МАЪЛУМ ҚИЛДИ:**

**ТАДБИРНИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ РАИСИ ЗАЙНИДДИН НИЗОМХЎЖАЕВ ОЧДИ.**



Давлатимиз мадҳияси янгради.

Ялпи мажлис ишини ташкил этиш учун котибият ва электрон овоз бериш назорати бўйича гуруҳ тузилди, кун тартиби тасдиқланди. Марказий сайлов комиссияси раиси Олий Мажлис Сенатига сайлов натижалари тўғрисида ахборот берди.

Бу жараён янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда такомиллаштирилган миллий сайлов қонунчилигига биноан ошкора ва адолатли ўтгани таъкидланди. Асосий қонунимизга мувофиқ, Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда – 4 кишидан сайланди. Яна 9 нафар сенатор Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан тайинланди.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари янги таркибдаги Сенат аъзоларини юксак ишончга сазовор бўлганлари билан самимий табриклади.

Юқори палатанинг аввалги таркиби мамлакатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшгани таъкидланди. Охирги беш йилда юқори палата томонидан 106 марта ҳисоботлар эшитилган, ижро органларига 1 минг 300 та сўров киритилган. Парламентнинг халқаро майдондаги нуфузи ҳам сезиларли даражада ошган. Ўтган даврда хорижий давлатлар билан  парламентлараро дўстлик гуруҳлари сони 26 тадан 73 тага етган.

Конституциявий ислоҳотлар натижасида Сенат таркиби ихчамлашиб, унинг аъзолари сони 100 нафардан 65 нафарга қисқарди. Айни вақтда сенаторларнинг ваколатлари ва масъулияти бир неча баробар ошди. Хусусан, юқори палатанинг парламент назорати ва бир қатор муҳим давлат органларини шакллантиришдаги иштироки сезиларли равишда кенгайтирилди. Сенатга ҳам қонунчилик таклифи киритиш ҳуқуқи берилди.

Президент бугун дунёдаги вазиятга йиғилганлар эътиборини қаратиб, тинчлик ва бирликнинг аҳамиятини таъкидлади.

– Мана шундай ғоят таҳликали вазиятда биз фақат кучли ирода, бирлик ва ҳамжиҳатлик, қаттиқ меҳнат билангина юртимизда тинчлик ва тараққиётни таъминлашга эриша оламиз. Ҳурматли сенаторларимиз, маҳаллий кенгашларга сайланган депутатларимиз ана шу ўткир ҳақиқатни, ўз зиммаларидаги улкан масъулиятни чуқур англаб иш олиб борадилар, деб ишонаман, – деди Шавкат Мирзиёев.

Бу омиллар барчадан ўз ишини танқидий баҳолаб, уни бутунлай янгича ташкил этишни тақозо этмоқда. Шу муносабат билан, Сенат олдида турган долзарб вазифаларга тўхталиб ўтилди.

Биринчидан, қонунларни муҳокама қилишда янгича механизмларни жорий этиш зарур. Айниқса, қонун ижодкорлиги жараёнига маҳаллий кенгашларни кенг жалб этиш, ҳар бир қонун бўйича уларнинг фикрини олиш амалиётини йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Энг муҳими, қонунларда ҳудудий ва умумдавлат манфаатлари уйғун бўлишига эришиш лозим.

Иккинчидан, маҳаллий кенгашлар фаолиятига ҳар томонлама кўмаклашиш Сенатнинг устувор вазифаси бўлиши керак. Маълумки, энди халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига ҳокимлар эмас, балки депутатлар орасидан сайланган кенгаш раислари бошчилик қилади. Шунингдек, Кенгаш сўрови ва Кенгаш текшируви каби янги механизмлар орқали ҳудудий ижро органлари фаолияти устидан назорат кучайтирилади. 2026 йилдан бошлаб туман ва шаҳар Кенгашларига ҳам ҳокимлар раислик қилмайди.

Ушбу чора-тадбирлар мамлакатимизда давлат бошқарувини қуйи бўғинга туширишни, уларни аҳолига яқинлаштириш жараёнлари ортга қайтмас тус олганидан далолат беради.

Учинчидан, маҳаллий Кенгашлар вазирлик ва идораларнинг қуйи бўғинлари, айниқса, туман ва шаҳар бўлинмалари билан жойларда янгича ёндашув асосида ишлаши талаб этилади.

Туман ва шаҳарлар бюджети муносабатларида ҳам маҳаллий кенгашлар жуда катта ваколатларга эга. Бундан оқилона фойдаланиб, аҳолини қийнаётган масалаларни ҳал этиш, Сенат эса бу йўналишларда маҳаллий кенгашларга кўмаклашиб бориши зарур.

Тўртинчидан, янгиланган Конституциямизда Сенатга маҳаллий Кенгашларнинг қарорлари қонунчиликка мувофиқ бўлишини таъминлаш бўйича катта масъулият юклатилган. Сенат бу борада очиқлик ва шаффофликни, қонунийликни таъминлаш бўйича самарали тизим яратиши керак.

Бешинчидан, Сенат қўмиталари – юқори палатанинг юраги, ҳаракатлантирувчи кучидир. Шу боис, қўмиталардаги эшитув институти асосларини қонун даражасида мустаҳкамлаб қўйиш вақти келди.

Олтинчидан, камбағалликни қисқартириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги дастур ва режаларни тўлиқ рўёбга чиқаришда сенаторларнинг иштироки жуда муҳим.

Еттинчидан, коррупцияга қарши курашиш бўйича парламент назоратини, бутун жамиятимиз иштирокини янада кучайтириш зарур. Сенат аҳоли ва давлат хизматчиларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасизлик муҳитини шакллантириш, ёш авлод онгига қонунга ҳурмат, тўғрилик ва ҳалол меҳнат тушунчаларини сингдириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиши керак.

Саккизинчидан, Сенат томонидан Судьялар олий кенгашининг барча аъзоларини сайлаш тизими йўлга қўйилгани суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашга хизмат қилади. Бунда Сенат фақат номзодларни тасдиқлаш билан чекланмай, уларнинг фаолияти билан танишиб, хулоса бериш амалиётини йўлга қўйиш зарур.

Мажлисда ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Конституциямизнинг 101-моддасига мувофиқ, Олий Мажлис Сенати Раиси лавозимига номзод тақдим қилди.

Яширин овоз бериш орқали Олий Мажлис Сенати Раиси лавозимига Танзила Нарбаева сайланди. Шунингдек, Сенат Раисининг биринчи ўринбосари лавозимига Содиқ Сафоев, Сенат Раисининг ўринбосари лавозимига Аманбай Оринбаев сайланди.

Кун тартибига мувофиқ, Сенатда 7 та қўмита ва битта комиссия тузилди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

## *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи ялпи мажлисида билдирилган муҳим фикрлар*

**СЕНАТОРЛАРНИНГ ҲАР 3 НАФАРИДАН БИРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАГА ЭГА. ҚАРИЙБ 27 ФОИЗИ ЁКИ 16 НАФАРИ ХОТИН-ҚИЗЛАР ЭКАНИ ОИЛА, ОНАЛИК ВА БОЛАЛИК, ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, УМУМАН, ИЖТИМОИЙ МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА ҚОНУНЧИЛИК ФАОЛИЯТИ ҲАМДА ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИНИ КУЧАЙТИРИШДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.**

**АЙНИҚСА, КЕНГАШЛАРДА АЁЛ ДЕПУТАТЛАР УЛУШИ 32 ФОИЗГА ЕТГАНИ, 30 ЁШГАЧА БЎЛГАН ДЕПУТАТЛАР СОНИ 3,5 КАРРА ОШГАНИ СЕНАТ ФАОЛИЯТИНИ ЭНДИЛИКДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ ВА ҚАРАШЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШДА МУҲИМ РОЛЬ ЎЙНАЙДИ.**

**КОНСТИТУЦИЯДА СЕНАТ ҲУДУДИЙ ВАКИЛЛИК ПАЛАТАСИ ЭКАНИ БЕЛГИЛАБ ҚУЙИЛГАН. ШУ БИЛАН БИРГА, ОЛДИНГИ ЧАҚИРИҚДА СЕНАТ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ ВА ҲАМКОРЛИК БОРАСИДА ФАҚАТ ДАСТЛАБКИ ҚАДАМЛАРНИ ҚЎЙДИ.**

**МАСАЛАН, МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР 15 ДАН ОРТИҚ МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВАКОЛАТИГА ЭГА БЎЛСАДА, УЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ, КЕЛИШИШ ВА ТАСДИҚЛАШ БЎЙИЧА ЯГОНА ТАРТИБ ҲАЛИГАЧА ИШЛАБ ЧИҚИЛМАГАН.**

**ЯНГИ САЙЛАНГАН МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ТАРКИБИ ВА МАҚОМИГА КЎРА ОЛДИНГИ ҲОЛАТДАН МУТЛАҚО ФАРҚ ҚИЛАДИ. УЛАРНИНГ ТАРКИБИ ҚАРИЙБ 60 ФОИЗГА ЯНГИЛАНИБ, 3 МИНГДАН ОРТИҚ ЮРТДОШЛАРИМИЗ ИЛК БОР ДЕПУТАТ БЎЛГАНИ ҲАМ ШУНДАН ДАЛОЛАТ БЕРАДИ.**

**АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗГА МУВОФИҚ, СЕНАТ 10 ДАН ЗИЁД ЮҚОРИ МАРТАБАЛИ МАНСАБДОР ШАХСЛАРНИНГ ҲИСОБОТЛАРИНИ ЭШИТАДИ. ЛЕКИН, ҲИСОБОТЛАР КЎП ҲОЛЛАРДА ЧУҚУР ТАҲЛИЛЛАР ЎТКАЗМАСДАН КЎРИБ ЧИҚИЛАЁТГАНИ ҚАЙД ЭТИЛДИ.**



**СЎНГГИ ЙИЛЛАРДА КЕНГ КЎЛАМЛИ ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР ТУФАЙЛИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО РЕЙТИНГЛАРДАГИ ЎРНИ ЯХШИЛАНИБ БОРМОҚДА.**

**МАМЛАКАТИМИЗ РЕЙТИНГИ ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ БЎЙИЧА 8, ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ БЎЙИЧА 18, ИҚТИСОДИЙ ЭРКИНЛИК БЎЙИЧА 49, ЛОГИСТИКА ВА ИННОВАЦИЯ БЎЙИЧА 10 ПОҒОНА ЮҚОРИ КЎТАРИЛДИ.**

**ЭНДИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТЛАР ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШЛАРИГА ҲОКИМЛАР ЭМАС, БАЛКИ ДЕПУТАТЛАР ОРАСИДАН САЙЛАНГАН КЕНГАШ РАИСЛАРИ БОШЧИЛИК ҚИЛАДИ. ПРЕЗИДЕНТИМИЗ УШБУ СИЁСИЙ ИСЛОҲОТ ОРҚАЛИ ХАЛҚИМИЗНИНГ 30 ЙИЛЛИК ОРЗУСИ РЎЁБГА ЧИҚҚАНИНИ ТАЪКИДЛАДИ.**

**БУ ЙИЛ ҲОКИМЛАРНИНГ 33 ТА ВАКОЛАТИ КЕНГАШЛАРГА ОЛИБ БЕРИЛДИ, ЯНА 17 ТА ВАКОЛАТНИ ЎТКАЗИШ РЕЖА ҚИЛИНГАН. МИСОЛ УЧУН, ИЧИМЛИК СУВИ ТАРИФИГА УСТАМА, ДАВЛАТ ОБЪЕКТЛАРИ ВА БОЗОРЛАРДА ИЖАРА ТЎЛОВЛАРИ КАБИ ЖАМИ 7 ТУРДАГИ МАҲАЛЛИЙ ЙИҒИМЛАР МИҚДОРИНИ ТАСДИҚЛАШ ВАКОЛАТИ ҲАМ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРГА ЎТКАЗИЛИШИ КЎЗДА ТУТИЛГАН.**

**ШУНИНГДЕК, КЕНГАШ СЎРОВИ ВА КЕНГАШ ТЕКШИРУВИ КАБИ ЯНГИ МЕХАНИЗМЛАР ОРҚАЛИ ҲУДУДИЙ ИЖРО ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН НАЗОРАТ КУЧАЙТИРИЛАДИ.**

**АЙНИ ПАЙТДА КОНСТИТУЦИЯДА БЕЛГИЛАНГАНИДЕК, ТУМАН, ШАҲАР ВА ВИЛОЯТЛАР МИҚЁСИДА ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ СЎЗСИЗ ИЖРО ЭТИШ, ҲУДУДЛАРНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ, МАДАНИЙ ВА ЭКОЛОГИК ЖИҲАТДАН РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ҲОКИМЛАР МАСЪУЛ ВА ЖАВОБГАР.**

**СЕНАТ ЭСА МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМЛИК ВА КЕНГАШЛАР ҲАМЖИҲАТ ФАОЛИЯТ ЮРИТИШИ, ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИНИ ТЎҒРИ ТАШКИЛ ЭТИШИ УЧУН УЛАРГА ЯҚИНДАН ЁРДАМ БЕРИШИ УШБУ ЖАРАЁНЛАРНИ ТЎҒРИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ХИЗМАТ ҚИЛИШИ БИЛДИРИЛДИ.**

**ПРЕЗИДЕНТ ЮҚОРИ ПАЛАТАНИ ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИГА ҲАМ ҲОКИМЛАР РАИСЛИК ҚИЛМАСЛИГИ БЎЙИЧА ИСЛОҲОТГА ЖИДДИЙ ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШГА ЧАҚИРДИ.**

**2025 ЙИЛДАН ЕР, МОЛ-МУЛК ВА АЙЛАНМА СОЛИҚЛАРИНИ ТЎЛИҚ, ДАРОМАД СОЛИҒИНИНГ ЭСА КАМИДА 50 ФОИЗИНИ ТУМАН ВА ШАҲАРНИНГ ЎЗИДА ҚОЛДИРИШ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН. БУ ОРҚАЛИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРНИНГ УШБУ СОҲАДАГИ РОЛИ ЯНАДА ОРТАДИ.**

**НАТИЖАДА 2025 ЙИЛДА ТУМАН ВА ШАҲАРЛАР БЮДЖЕТЛАРИ ДАРОМАДИ 9,4 ТРЛН СЎМГА ЁКИ 47 ФОИЗГА ОШАДИ.**

**ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯДА СЕНАТГА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРНИНГ ҚАРОРЛАРИ ҚОНУНЧИЛИККА МУВОФИҚ БЎЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА КАТТА МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАТИЛГАН.**

**БИРГИНА ЎТГАН ЙИЛНИНГ ЎЗИДА УШБУ КЕНГАШЛАР 34 МИНГ 400 ТА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛГАНИНИ ҲИСОБГА ОЛАДИГАН БЎЛСАК, БУ ҚАНЧАЛИК МУҲИМ ВАЗИФА ЭКАНИ ЯҚҚОЛ АЁН БЎЛАДИ.**

**ТЎРТ ЙИЛ АВВАЛ 23 ФОИЗ АҲОЛИМИЗНИНГ ДАРОМАДИ КАМБАҒАЛЛИК ЧЕГАРАСИГА ҲАМ ЕТМАС ЭДИ. ЎТГАН ДАВРДА 3,5 МИЛЛИОН ФУҚАРО УЧУН ДАРОМАД ОЛИШ ИМКОНИЯТИ ЯРАТИЛИБ, КАМБАҒАЛЛИКНИ 11 ФОИЗГА ТУШИРИШГА ЭРИШИЛДИ. КЕЛГУСИ УЧ ЙИЛДА УНИ 7 ФОИЗГА ТУШИРИШ РЕЖА ҚИЛИНГАН.**

**КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МАҚСАДИДА КЕЛГУСИ ЙИЛИ БЮДЖЕТДАН 500 МИЛЛИАРД СЎМ ЙЎНАЛТИРИЛАДИ.**

**ЯНГИ ЙИЛДАН 65 ТУРДАГИ ИЖТИМОИЙ ХИЗМАТ ВА ЁРДАМЛАР, 50 ГА ЯҚИН ИМТИЁЗЛАРНИ ЎЗИДА МУЖАССАМ ЭТАДИГАН ЯГОНА “ИЖТИМОИЙ КАРТА” ТИЗИМИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ.**

**ДАРОМАДИ ВА СОҒЛИҒИНИ ЙЎҚОТИБ, ОҒИР ИЖТИМОИЙ ВАЗИЯТГА ТУШИБ ҚОЛГАН ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ КЎЛАМИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ КЕНГАЙТИРИЛАДИ. БУНИНГ УЧУН “ИЖТИМОИЙ СУҒУРТА ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

**НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ЖАМИЯТГА МОСЛАШУВИНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН ИЖТИМОИЙ ХИЗМАТ ВА ЁРДАМЛАР КЎЛАМИ КЕНГАЙТИРИЛАДИ.**

**БУГУНГИ КУНДА ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН БОЛАЛАРНИНГ АКСАРИЯТИ ИЖТИМОИЙ МУҲИТДАН АЖРАЛГАН ҲОЛДА ТАЪЛИМ ОЛМОҚДА. УЛАРНИНГ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИГА ҚАТНАШИ УЧУН ТЎСИҚСИЗ МУҲИТ ВА ЗАРУР ШАРОИТ ЯРАТИЛАДИ, МАХСУС ПЕДАГОГ ВА ПСИХОЛОГЛАР ЖАЛБ ҚИЛИНАДИ.**

**ЖАМИЯТИМИЗДА БОЛАЛАРГА НИСБАТАН ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИК ҲОЛАТЛАРИ УЧРАМОҚДА.**

**ПРЕЗИДЕНТ МАДАНИЯТИМИЗГА ХОС БЎЛМАГАН БУНДАЙ ИЛЛАТЛАРГА ҚАРШИ МУРОСАСИЗ МУНОСАБАТДА БЎЛИШИМИЗ ВА АЁВСИЗ КУРАШИШИМИЗ ШАРТЛИГИНИ ТАЪКИДЛАДИ. БУ МАСАЛА ШАХСАН ПРЕЗИДЕНТ НАЗОРАТИДА БЎЛАДИ.**

**ШУ БОИС, ЯҚИНДА, БОЛАНИНГ ҲАЁТИ, СОҒЛИҒИ, ШАЪНИ ВА ҚАДР ҚИММАТИГА ТАЖОВУЗ ҚИЛАДИГАН, ЖИСМОНИЙ ВА РУҲИЙ АЗОБ ЕТКАЗИШИ МУМКИН БЎЛГАН БАРЧА ҲОЛАТЛАРДА ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТЕГИШЛИ ҲУҚУҚИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ЧОРАЛАР КЎРИЛИШИ ҚОНУН БИЛАН МУСТАҲКАМЛАБ ҚЎЙИЛДИ.**

**ЎТГАН ЙИЛИ КОРРУПЦИЯГА ОИД ЖИНОЯТЛАР 12 ФОИЗГА КАМАЙГАН БЎЛСА-ДА, 6 МИНГ 500 НАФАР ШАХС КОРРУПЦИЯДА АЙБЛАНИБ, ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛГАН.**

**КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИНИ, БУТУН ЖАМИЯТИМИЗ ИШТИРОКИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ЗАРУРЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ.**

**ПРЕЗИДЕНТ СЕНАТНИ АҲОЛИ ВА ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ОНГИ ВА МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ, ЖАМИЯТДА КОРРУПЦИЯГА НИСБАТАН МУРОСАСИЗЛИК МУҲИТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, ЁШ АВЛОД ОНГИГА ҚОНУНГА ҲУРМАТ, ТЎҒРИЛИК ВА ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ТУШУНЧАЛАРИНИ СИНГДИРИШ БЎЙИЧА АНИҚ ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШГА ЧАҚИРДИ.**

***“ЎЗИНГИЗ БИР ТАСАВВУР ҚИЛИНГ – 37 МИЛЛИОНЛИК ХАЛҚДАН ФАҚАТГИНА 65 НАФАР ИНСОНГА СЕНАТОР БЎЛИШДЕК ЮКСАК ШАРАФ ВА БАХТ НАСИБ ЭТДИ. БУ УЛКАН ИШОНЧ ВА МАСЪУЛИЯТНИНГ ҚАДРИГА ЕТИШ, УНИ ҲАЛОЛ ВА СОДИҚ ХИЗМАТ БИЛАН ОҚЛАШ БАРЧАМИЗНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИМИЗДИР.***

***СИЗЛАР ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ВА УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИНИ БУНЁД ЭТИШГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШАСИЗЛАР, ХАЛҚЧИЛ ВА АДОЛАТЛИ ҚОНУНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИБ, БАРЧАГА ЎРНАК БЎЛАСИЗЛАР, ДЕБ ТИЛАК БИЛДИРАМАН.***

***МЕН СИЗ, МУҲТАРАМ СЕНАТОРЛАР ТИМСОЛИДА АНА ШУНДАЙ КАТТА ИШЛАРГА ҚОДИР, ЎЗБЕКИСТОН ОЛДИДА ТУРГАН СТРАТЕГИК ВАЗИФАЛАРНИ ЧУҚУР АНГЛАЙДИГАН, ВАТАН ВА ХАЛҚ МАНФААТИНИ ҲАММА НАРСАДАН УСТУН ҚЎЯДИГАН ФИДОЙИ ИНСОНЛАРНИ – ЎЗИМНИНГ ЭНГ ЯҚИН МАСЛАКДОШЛАРИМНИ КЎРАМАН.***

***СИЗЛАР БОР БИЛИМ ВА ТАЖРИБАНГИЗ, КУЧ ВА ИМКОНИЯТИНГИЗНИ ИШГА СОЛИБ, МАМЛАКАТИМИЗ ҲАЁТИДА, СЕНАТ ФАОЛИЯТИДА ЯНГИ, ЁРҚИН САҲИФА ОЧАСИЗ, ДЕБ ИШОНАМАН”, - ДЕДИ ПРЕЗИДЕНТ МАЖЛИС ЯКУНИДА.***

МУНОСАБАТ

# МУҚАДДАС БУРЧИМИЗ



**Малика ҚОДИРХОНОВА,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

— Авваламбор, айтиш керакки, янги чақириқ Олий Мажлис Сенатининг биринчи мажлиси танқидий-таҳлилий руҳда ўтди. Ютуқлар эътироф этилди, лекин асосий эътибор юқори палата фаолиятини янги босқичга чиқариш, жойларда маҳаллий Кенгашлар ролини ошириш масалаларига қаратилди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, конституциявий ислоҳотлар натижасида Сенат таркиби ихчамлашиб, унинг аъзолари сони 100 нафардан 65 нафарга қисқарди. Айни вақтда сенаторларнинг ваколатлари ва масъулияти бир неча баробар ошди. Хусусан, юқори палатанинг парламент назорати ва бир қатор муҳим давлат органларини шакллантиришдаги иштироки сезиларли равишда кенгайтирилди. Сенатга ҳам қонунчилик таклифи киритиш ҳуқуқи берилди.

Ушбу мажлисда Президентимизнинг нутқи биз, янги таркибдаги Сенат аъзоларига келгуси беш йил давомидаги фаолиятимизнинг асосий йўналишларини кўрсатиб бергани айни ҳақиқат.

Англаб, ҳис қилиб турибмизки, бугунги мураккаб давр барчадан ўз ишини танқидий баҳолаб, уни бутунлай янгича ташкил этишни тақозо этмоқда. Шу нуқтаи назардан мажлисда Сенат олдида турган долзарб вазифалар бирма-бир санаб ўтилдики, уларнинг ҳар бири фаолиятимиз “йўл харитаси”нинг негизи ҳисобланади.

Қонунларда ҳудудий ва умумдавлат манфаатлари уйғун бўлишига эришиш, уларни муҳокама қилишда янгича механизмларни жорий этиш, маҳаллий Кенгашлар фаолиятига ҳар томонлама кўмаклашиш, маҳаллий Кенгашларнинг қарорлари қонунчиликка мувофиқ бўлишини таъминлаш, бу борада очиқлик ва шаффофликни, қонунийликни таъминлаш бўйича самарали тизимни яратиш шулар жумласидандир.

Маълум бўлишича, Сенатнинг ҳар бир қўмитаси жойлардаги муаммоларни ўрганиш ва уларнинг ечими юзасидан ўтган беш йил давомида ўртача 37 тадан назорат-таҳлил тадбири ўтказган. Лекин назорат тадбирлари кутилган натижа беряптими, улардан кейин жойларда аниқ бир муаммо ўз ечимини топяптими, деган савол сенаторларни ўйлантириши кераклиги, қўмиталардаги эшитув институти асосларини қонун даражасида мустаҳкамлаб қўйиш вақти келгани айтилди. Очиғи, бу кўнглимиздаги гаплар эди.

Бугун Янги Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги ўрни яхшиланиб бораётгани қувонарли. Мамлакатимиз рейтинги қонун устуворлиги бўйича 8, электрон ҳукумат бўйича 18, иқтисодий эркинлик бўйича 49, логистика ва инновация бўйича 10 поғона юқори кўтарилгани ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Бу ютуқлар ва улар ортида турган дадил ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга, хорижий ва маҳаллий экспертларга етказишда сенаторларимиз фаол бўлишга чақирилди.

Мамлакатимиз ҳаётида, Сенат фаолиятида янги, ёрқин саҳифа очишимизга умид билдирилди. Бу умид бизга қанот ва масъулият бағишлайди.

# МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ФАОЛИЯТИДА ЯНГИ ДАВР



**Ҳусан ЭРМАТОВ,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

— Бугунги сенатор ким, унинг асосий миссияси нималардан иборат бўлади? У яқин беш йилда ўз олдига қандай мақсадларни қўйиши керак? Замон жуда тезкорлик билан ўзгаряпти, ахборот технологиялари ривожининг кўламини кўриб ақлимиз шошади, баъзан. Шу маънода янги Сенат, унинг ҳар бир аъзоси олдида ҳам бутунлай янги форматда янгича ишлаш масъулияти кўндаланг турибди.

Аввало, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, сенатор халқнинг вакили, бўлганда ҳам аксарият сенаторлар маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар орасидан иккинчи бор сайланиб шу мақомга эришишди.

Демак, бизнинг бир кўнглимиз ўша бизнинг номзодимизга овоз берган ҳудуд аҳлининг орзу-истаклари, яшаш тарзининг ўзгариши, онгу тафаккурига замонавий талаб ва тушунчаларнинг етиб бориши билан боғлиқ бўлиб туриши лозим.

Мажлисда давлатимиз раҳбари маҳаллий Кенгашлар фаолиятида чин маънода янги давр бошланаётганини алоҳида таъкидлади. Янги сайланган маҳаллий Кенгашлар таркиби ва мақомига кўра олдинги ҳолатдан мутлақо фарқ қилиши, уларнинг таркиби қарийб 60 фоизга янгиланиб, 3 мингдан ортиқ юртдошларимиз илк бор депутат бўлгани айтиб ўтилди. Кенгашларда аёл депутатлар улуши 32 фоизга етиб, 30 ёшгача бўлган депутатлар сони 3,5 карра ошгани эса яна бир ютуқли жиҳат, албатта.

Ўтган йили янгиланган Конституциямиз асосида маҳаллий Кенгашлар қарорлари қонунчиликка мувофиқ бўлишини таъминлаш бўйича юқори палатанинг масъулияти бир қадар оширилди. Ўтган йилнинг ўзида ушбу давлат ҳокимияти вакиллик органлари томонидан 34 минг 400 та қарор қабул қилингани уларнинг қонун билан белгиланган ваколатлари доирасида тизимли иш олиб борганидан далолат беради.

Маҳаллий Кенгашларга энди вилоят даражасида ҳокимлар раислик қилмайди. Бу эса айни Кенгашлар ишининг янада халқчил бўлишига хизмат қилиши лозим. Мақсад шундай. Шу мақсадлардан келиб чиқиб бундан буён Сенат қонун лойиҳалари борасидаги муҳокамаларни нафақат тегишли соҳа мутасаддилари, балки ҳудудлардан Кенгаш вакиллари билан биргаликда ўтказиши лозимлиги қайд этилди. Бу эса айни қабул қилинажак қонунларнинг реал ҳаётга мос бўлишини, бевосита ҳаёт реалликларини инобатга олишини таъминлайди. Қолаверса, бу билан аслида Сенат фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳудудий ўзига хосликларнинг инобатга олиниши ҳам таъминлайди.

Бу қарийб 30 йиллик орзунинг рўёбга чиқиши сифатида баҳоланаётган янгилик. Юртбошимиз бу тажрибанинг чуқур таҳлиллари ва натижасининг самарадорлигидан келиб чиқиб яқин йилларда туман ва шаҳар Кенгашларига ҳам ҳокимларнинг раислигидан воз кечиш кўриб чиқилишини қайд этди.

Бугун дунё миқёсида инсоният дуч келаётган глобал муаммолар ортса ортяптики, чекингани йўқ. Турли минтақалардаги қонли тўқнашувлар, экологик ва техноген фожиалар, иқлим ўзгаришлари, иқтисодий инқирозлар, терроризм ва экстремизм таҳдидлари жамиятда бемалолчилик кайфиятига узил-кесил нуқта қўйишни тақозо қилмоқда. “Мана шундай таҳликали вазиятда фақат кучли ирода, бирлик ва ҳамжиҳатлик, қаттиқ меҳнат билангина юртимизда тинчлик ва тараққиётни таъминлашга эриша оламиз”, деди Президентимиз.

Шуниси аниқки, сайловчилар ишончига кириш, халқ вакили, деган номни оқлаш - бу чинакам фидойилик, юртпарварлик, инсонпарварлик фазилатларига ҳар қандай ҳолатда ҳам содиқ қолиш демакдир. Мана шу йўлни танлаган ҳар бир сафдошимга муваффақият тилайман.

# ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТ УЧУН МАСЪУЛМИЗ



**Сайёра АБДИКАРИМОВА,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

— Бугун юртимизнинг қай манзилига борманг, сезиларли ўзгаришларнинг, одамларимиз ҳаётида яхши бурилишларнинг гувоҳи бўласиз. Хусусан, бизнинг Хоразм воҳамизда ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари чекка-чекка қишлоқларни ҳам қамраб олмоқда. Ишлаб чиқариш ва саноат, ижтимоий инфратузилмаларнинг ривожланиши изчил суръатга кирган.

Шубҳасиз, вилоятимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида маҳаллий Кенгашлар депутатларининг муносиб ўрни ва таъсири бор. Эндиликда янги таркибда иш бошлайдиган халқ вакиллари ҳам давлатимиз ва жамиятимиз тараққиётига ҳисса қўшиши, жумладан, вилоятимизнинг барча жабҳада пешқадамлар сафига чиқиши учун фаоллик кўрсатишига ишончимиз комил.

Президентимиз юқори палатанинг аввалги таркиби маҳаллий Кенгашлар билан ишлайдиган ходими бўлган. 2020 йил 14 сентябрда қабул қилинган тегишли қонун билан маҳаллий Кенгашларда доимий асосда фаолият юритувчи котибиятлар ташкил этилди. Ҳозирда республикамиздаги 221 та маҳаллий Кенгашда 700 га яқин ходимлар фаолият юритмоқда.

Президентимизнинг шу йил 2 февралдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони маҳаллий даражада давлат ҳокимиятини трансформация қилиш, том маънода халқчил тизимни жорий этишга қаратилган муҳим сиёсий ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Фармон билан жамият ва давлат ҳаётининг муҳим масалаларини ҳал этишда маҳаллий вакиллик органларининг ролини ошириш мақсадида 33 та вазифа, функция ва ваколатлар маҳаллий Кенгашларга ўтказилди.

Жумладан, давлат боғча ва мактабларини ташкил этиш ва тугатиш, буюртма қўриқхоналари, табиий питомниклар, рекреация зоналари, ботаника ва дендрология боғларини очиш, шаҳар йўловчилар транспортида йўловчи ва юк ташиш ҳақини тўлашнинг тарифларини, шаҳар йўловчи транспортида йўналишларни белгилаш, ичимлик суви таъминоти бўйича хизматлар учун тарифларни тасдиқлаш ва бошқалар маҳаллий Кенгашлар қарорлари билан амалга оширилиши назарда тутилмоқда.

Яширишнинг ҳожати йўқ, маҳаллий Кенгашларнинг қонунчиликдаги ваколатлари тизимлаштирилмагани натижасида улар биргина ҳокимлик ва қатор давлат идораларининг у мулоқот ва ҳамкорлик борасида фақат дастлабки қадамларни қўйганини эътироф этиб, айнан шу йўналишда олдинда янада долзарб вазифалар турганини айтиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари мажлисда ижтимоий ислоҳотларнинг ҳақчиллиги ва халқчиллигини таъминлашда янги таркибдаги сенаторлар зиммасида улкан масъулият турганига диққат қаратгани ҳам бежиз эмас.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида салмоқли дастурларга қўл урилмоқда. Тўрт йил олдин 23 фоиз аҳолимизнинг даромади камбағаллик чегарасига ҳам етмас эди. Ўтган даврда 3,5 миллион фуқаро учун даромад олиш имконияти яратилиб, камбағалликни 11 фоизга туширишга эришилди. Келгуси уч йилда уни 7 фоизга тушириш режа қилинган.

Камбағалликни қисқартириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида келгуси йили бюджетдан 500 миллиард сўм йўналтирилади. Шунингдек, янги йилдан 65 турдаги ижтимоий хизмат ва ёрдамлар, 50 га яқин имтиёзларни ўзида мужассам этадиган ягона “Ижтимоий карта” тизими йўлга қўйилади.

Бугунги кунда имконияти чекланган болаларнинг аксарияти ижтимоий муҳитдан ажралган ҳолда таълим олмоқда. Уларнинг умумтаълим мактабларига қатнаши учун тўсиқсиз муҳит ва зарур шароит яратилади, махсус педагог ва психологлар жалб қилинади. Болаларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларига қарши муросасиз муносабатда бўлиш ва аёвсиз курашиш саъй-ҳаракатлари давом этади.

Моҳиятан ижтимоий тараққиётга хизмат қилувчи бу каби устувор мақсадлар ҳаётий тасдиғини топишида биз, сенаторлар биринчилар қаторида масъулмиз.

# ХАЛҚ МАНФААТИ УСТУН

**Маълумки, энди халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига ҳокимлар эмас, балки депутатлар орасидан сайланган Кенгаш раислари бошчилик қилади. Шунингдек, Кенгаш сўрови ва Кенгаш текшируви каби янги механизмлар орқали ҳудудий ижро органлари фаолияти устидан назорат кучайтирилади. 2026 йилдан бошлаб туман ва шаҳар Кенгашларига ҳам ҳокимлар раислик қилмайди.**

**Ушбу янги тизимнинг халқимиз ҳаётидаги, депутатлар фаолиятидаги, умуман, янги ислоҳотлар давридаги аҳамияти хусусида Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази Сирдарё вилоят ҳудудий бўлинмаси раҳбари Шерали МАМАДЕЦОЕВ билан суҳбатлашдик.**

*БИРИНЧИДАН, ТОМ МАЪНОДА МАҲАЛЛИЙ ДАРАЖАДА ДЕМОКРАТИЯНИНГ МУҲИМ ТАЛАБИ БЎЛМИШ ҲОКИМИЯТЛАР БЎЛИНИШ ПРИНЦИПИНИНГ АМАЛДАГИ ИЖРОСИ ТАЪМИНЛАНАДИ. ИККИНЧИДАН, ЖОЙЛАРДА ИЖРО (ҲОКИМ) ВА ВАКИЛЛИК (МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ) ОРГАНЛАРИ ЎРТАСИДА, “БИР-БИРИНИ ТИЙИБ ТУРИШ” МЕХАНИЗМИ ИШЛАЙДИ.*

**- Ҳар бир ислоҳот замирида, аввало, халқ манфаати, унинг фаровонлиги, орзу-истаклари устувор бўлиши керак, - дейди Ш.Мамадецоев. - Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг халқ депутатлари вилоят Кенгашларига раислик қилиш амалиётининг тугатилиши, бошқача айтганда, вакиллик ва ижро органларининг ажратилишини халқимиз иродаси, қолаверса, демократик тамойилларнинг яна бир бор мустаҳкамланиши билан изоҳлаш мумкин.**

**Дастлаб айрим фуқаролар, зиёлилар орасида ушбу янгиликка хавотир билан қараб, қуйи бўғинда ҳокимият бўлиниши рўй беришини башорат қилганлар ҳам бўлди. Аммо бу хато фикр. Демократик ривожланиш йўлини танлаган ҳар бир давлат эртами-кечми мустақил вакиллик органини шакллантириш йўлидан боради. Чунки бунинг бир нечта афзалликлари мавжуд.**

**Биринчидан, том маънода маҳаллий даражада демократиянинг муҳим талаби бўлмиш ҳокимиятлар бўлиниш принципининг амалдаги ижроси таъминланади. Иккинчидан, жойларда ижро (ҳоким) ва вакиллик (маҳаллий Кенгаш) органлари ўртасида, “бир-бирини тийиб туриш” механизми ишлайди. Бу эса ҳокимларнинг халқ вакиллари олдидаги масъулиятини оширишга олиб келади. Учинчидан, маҳаллий Кенгаш депутатлари ўз сайловчиларининг манфаатлари юзасидан ижро органига “истиҳола” қилмасдан, сўров билан мурожаат қилиш имконияти кенгаяди. Оқибатда халқнинг маҳаллий Кенгашларга, депутатларга ишончи ортади. Ижро органи фаолияти устидан депутатлик назорати кучайиши таъминланади.**

**- Албатта, ҳар бир янги тизим маълум ҳуқуқий, ташкилий шаклланиш ва ривожланиш босқичларини босиб ўтади. Шундай эмасми?**

**-Тўғри. Худди шундай, мазкур тизимни шакллантириш жараёнида ҳам мустаҳкам ташкилий ва ҳуқуқий базасини шакллантиришга эътибор қаратилган. Эсланг, 2020 йилгача жойларда маҳаллий Кенгашларнинг на бир хонаси, на бирон бир доимий ёки бу соҳага оид ҳисобот, ахборотларини йилига қарийб юздан ортиқ маротаба эшитиши лозим эди. Бу эса маҳаллий Кенгашлар иш юкламасини сунъий равишда ошириб юборганди. Масалан, биргина ички ишлар органларининг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари, уларнинг тармоқ бўйича ўринбосарлари, шунингдек, маҳаллалардаги профилактика инспекторлари ҳам маҳаллий Кенгашларга алоҳида-алоҳида ҳисобот берарди.**

**Юқоридаги Фармон билан Кенгашларнинг қатор ваколатлари қайта кўриб чиқилиб, улар соҳалар бўйича тизимлаштирилди. Янгиланган Конституция талабларидан келиб чиқиб, маҳаллий Кенгашлар зиммасига вазифа ва функциялар фақатгина қонун ҳужжатлари билан юклатилиши, давлат органлари ва ташкилотлари томонидан маҳаллий Кенгашлар фаолиятига аралашишга йўл қўйилмаслиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига берилган маҳаллий Кенгашларнинг қонунда белгиланган ваколатларига хос бўлмаган вазифалар ижроси бўйича маҳаллий давлат ижроия ҳокимияти органлари масъул ҳисобланиши қатъий мустаҳкамланди.**

**- Шахсан ўзингиз янги шаклланган вакиллик органлари фаолиятидан нималарни кутяпсиз?**

**- Албатта, ижро ва вакиллик органларини халқ фаровонлиги, Ватан равнақи йўлида хизмат қилишдек умумий ва шарафли мақсад доимо бирлаштириб туради.**

**27 октябрда ўтган сайловда фуқароларимиз ишонч билдирган, янги шаклланган вакиллик органларининг эндиликда давлат ва жамият бошқарувидаги ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги роли кучайишига ишончимиз комил. Шу билан бир қаторда ижро органларининг маҳаллий Кенгашлар олдидаги масъулияти ҳам сезиларли ошади. Мазкур органларнинг ваколатлари аниқ белгилаб қўйилгани натижаси ўлароқ ҳокимиятлар ўртасида мувозанат таъминланади. Халқ манфаати устуворлигини барча жабҳада кафолатлашда бунинг аҳамияти беқиёдир.**

**Адолат АҲМАДЖОНОВА,**
**«Янги Сирдарё» газетаси мухбири.**

**18 НОЯБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БАЙРОҒИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН**

# ИФТИХОРИМИЗ РАМЗИ

**ДАВЛАТ РАМЗЛАРИ БАРЧАМИЗ УЧУН ҲАМИША МУҚАДДАС ВА АРДОҚЛИ. БОИСИ, УЛАРДА СЕВИКЛИ ВАТАННИНГ СУВРАТИ, МЕҲР-У ТАРОВАТИ, ХАЛҚНИНГ МАРДОНАВОР ЎТМИШИ, БУГУНГИ ФИДОКОРЛИГИ ВА ИСТИҚБОЛИ НАМОЁН. ХУДДИ ШУНДАЙ, ЮРТИМИЗ БАЙРОҒИ ҲАМ ШУ ЗАМИНДА ЯШАЁТГАН КАТТА-Ю КИЧИКНИНГ ФАХР-У ИФТИХОРИ РАМЗИДИР.**

Аждодларимиз юрт туғини ҳар недан афзал билишгани, кўз қорачиғидай авайлаб-асрашгани олис мозий саҳифаларида олтин ҳарфлар билан битилган. Юрт байроғини ёғий қўлига топширишни истамаган Нажмиддин Кубронинг жасорати ҳамон тилларда. Матонатли бобокалонимиз босқинчилар билан беомон жангда байроқни қўлида маҳкам тутганча жон таслим қилган эди. Душман ҳарчанд уринмасин, унинг қўлидан байроқни тортиб ололмай, охири панжалари билан кесиб олмоқдан ўзга чора тополмаган..

Туғини жонидан ортиқ асраган ва уни бошлари узра мағрур кўтариб юрган Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди каби буюк саркардаларнинг порлоқ сиймоси, матонати олдида ҳар қанча таъзим қилсак арзийди.

"Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонуннинг 2-, 3-моддасида байроғимиз мамлакатимиз суверенитети рамзи экани, халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикасининг тимсоли бўлиши белгиланган. Ҳозир у жаҳоннинг турли нуқталарида мағрур ҳилпираб турибди. Айниқса, халқаро спорт ареналарида, нуфузли беллашувларда юртимиз спортчилари ғолиблик шоҳсупасида турганида байроғимизнинг баланд кўтарилишидаги ҳаяжонни сўз билан таърифлаш мушкул.

Шу йилнинг ёзида Париж шаҳрида бўлиб ўтган Олимпиада ва Паралимпия ўйинларида ҳам спортчиларимизнинг қўлга киритган ҳар бир ютуғидан сўнг юқорига кўтарилган байроғимиз қалбларимизда чинакам ғурурни уйғотди. Олис юртда матонатли спортчиларимиз туфайли Ватанимизнинг бир парчаси янглиғ байроғимиз бошқа мамлакатлар байроғидан баландроқ кўтарилгани қалбимизни ҳам, шаънимизни ҳам юксакликка кўтаргани рост-ку!

Байроғимиз жонажон Ўзбекистонимиз дунёда халқаро ҳамжамиятнинг тенглар ичра тенг аъзоси эканлигини англатади ва ўзида миллий, маданий анъаналаримизни мужассамлаштиради. У бизнинг ғолиблигимиз, ҳеч кимдан кам эмаслигимиз ва асло кам бўлмаслигимизни яққол намоён қилади. Байроғимизда юртимизнинг, халқимизнинг обрў-нуфузи юксаклигидан далолат берувчи рамзий тимсоллар мужассам.

Бугун байроғимиз нафақат Ўзбекистон Республикаси давлат рамзи, балки халқимизнинг, шу юртда туғилиб, шу заминнинг меҳридан қониб яшаётган турли миллат ва элатларнинг тинчлиги, ҳамжиҳатлиги тимсолига айланган. Дунёнинг қайси бурчагига бормайлик, қадрдон байроғимиз она Ватанимизни ёдга солади.

Байроқ ҳақида сўз борганда, беихтиёр ватанпарварлик ҳақида ўйлаймиз. Дарҳақиқат, юртнинг тараққиёти, шаън-шавкати унда яшаётган фуқароларнинг ватанпарварлигига боғлиқ. Демакки, фарзандларимизни ватанпарвар қилиб тарбиялаш ҳаёт-мамот масаласи бўлмоғи керак. Унутмайлик, туйғуларнинг гултожи - бу ватанпарварликдир.

Аслида ҳар бир юракда бу туйғу бор! Фақат уни уйғотиш керак. Юрт байроғини қўлингизга олиб, Ватан номини баралла айтинг, қалбингизда уйғонган туйғуни шунда кўрасиз.

Тоабад ҳилпирайвер, Янги Ўзбекистонимнинг шонли байроғи!

**Шаҳло БАҚОЕВА,**
**журналист.**

**ЯНГИЛИК**

# ИПОТЕКА СУБСИДИЯЛАРИНИ ОЛИШ ТАРТИБИ ЎЗГАРДИ



**Президентимизнинг 2024 йил 30 апрелдаги "2024 йилда ипотека кредитларини ажратиш механизмларини такомиллаштириш ва аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси доирасида 2024 йил 11 ноябрда Вазирлар Маҳкамасининг "Ипотека кредитларини ажратиш механизмлари такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қарори эълон қилинди.**

Мазкур қарор билан ипотека субсидияларини олиш учун аризаларни кўриб чиқиш жараёни 14 иш кунидан 5 иш кунигача қисқарди. Шунингдек, фоиз тўловларининг компенсацияланган қисми ошиб, субсидия беришнинг ижтимоий мезонлари ҳам ўзгарди.

Эндиликда subsidiya.idm.uz махсус платформасида ариза топширилганидан кейин бир соат ичида кўриб чиқилади. Ягона интерактив давлат хизматлари портали веб-сайтидан (my.gov.uz) фойдаланганда аризалар автоматик платформага юборилади, Давлат хизматлари марказлари эса уларни ариза топширилгандан бир соат ичида тизимга киритиши шарт ҳисобланади.

Шу билан бирга, ариза берувчиларнинг даромадларини ҳисобга олиш тартиби ижтимоий мезонларни ҳисобга олган ҳолда ўзгартирилади. Эътиборли жиҳати, бундан буён аризачининг илтимосига кўра, унинг даромадларини ҳисоблашда нафақат турмуш ўртоғи, балки кафил бўлган яқин қариндошларининг ҳам даромадларини киритиш мумкин бўлади. Баҳолаш учун 12 ойгача бўлган даврдаги ўртача даромад қараб чиқилади.

Бундан ташқари, агар ариза берувчининг ўзи умуман даромадга эга бўлмаса ва мезонлар бўйича 0 балл берилса, у ҳолда турмуш ўртоғи ва қариндошларининг ҳам даромадлари ҳисобга олинмайди.

Маълумотларга кўра, аризаларни баҳолашда фойдаланиладиган ижтимоий мезонларнинг янги тизими ҳам тасдиқланмоқда.

Масалан, фуқароларнинг даромадлари эндиликда уч эмас, икки гуруҳда баҳоланади, иккинчи гуруҳ учун балл эса 5 (илгари 6 ва 2 балл бўлган) ни ташкил этди. Тиббиёт ходимлари ёки олий маълумотли, чекка ҳудудларда меҳнат қилаётган мутахассислар, 30 ёшгача бўлган ёшлар, оғир аҳволда бўлган аёллар (ажрашган, бевалар, ёлғиз оналар) эндиликда 10 балл ўрнига 5 балл олади.

Аризачи тўплаши мумкин бўлган умумий баллар сони 50 дан 35 гача камаяди. Субсидия олиш учун 30 ёки ундан ортиқ балл тўплаш керак бўлади.

Қолаверса, субсидиялар олиш учун аризаларнинг мезонларга мувофиқлигини баҳолаш билан шуғулланадиган ташкилотларнинг таркиби ўзгаради. Хусусан, тиббиёт муассасалари ва аёллар билан ишлаш бўлимлари бундан мустасно.

Мурожаатда кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилиги Солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги, Бандлик вазирлиги, Кадастр агентлиги ва Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тизимлари томонидан автоматик тарзда тасдиқланади.

Субсидиялар қоплайдиган фоизлар миқдори ҳам ўзгаради. Янги кредитлар бўйича йиллик 12 фоиздан ортиқ қисми (ҳозир — 10 фоиздан ортиқ), 2025 йилдан бошлаб эса Марказий банкнинг асосий ставкасидан ортиқ бўлган қисми, яъни, ҳозирги 13,5 фоизни ташкил этган ҳолда қопланади.



Дастлабки тўлов ва фоизларнинг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан беш иш куни ичида тўланади. Илгари тўловлар ҳисобот ойининг 25-кунига қадар амалга оширилар эди.

Маълумот ўрнида шуни айтиш мумкинки, эндиликда якка тартибдаги уй-жойларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш учун ипотека субсидиялари ажратилмайди. Ушбу мақсадлар учун ипотека кредитлари фақат Камбағалликни камайтириш дастурига киритилган ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган шахсларга берилади. Кредит миқдори 120 миллион сўмгача бўлади.

Шунингдек, улар бошланғич тўловни қоплаш учун асосий қарзнинг 15 фоизи миқдорида субсидия олиши мумкин. Бундан ташқари, беш йил давомида йиллик 12 фоиздан ортиқ фоиз тўловларининг бир қисми бюджет ҳисобидан қопланади.

Субсидия берилмайдиган ҳолатлар эса қуйидагилардир:

- тақдим этилган маълумотлар нотўғри ёки сохта бўлса, ариза кўриб чиқилмайди ва автоматик равишда рад этилади;
- агар жорий йил учун минтақада субсидияларга квоталар тугаган бўлса, барча тақдим этилган аризалар автоматик равишда рад этилади;
- аризачи ёки унинг турмуш ўртоғи такроран мурожаат қилганда, улар илгари ипотека кредити субсидиясидан фойдаланган бўлса, ариза рад этилади;
- Агар бир шахснинг аризаси аллақачон топширилган ва у кўриб чиқилаётган бўлса, турмуш ўртоғидан иккинчи ариза берилганда, рад этилади.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ тайёрлади.**


**JAHON IQTISODIYOTI VA DIPLOMATIYA UNIVERSITETI QUYIDAGI LAVOZIMLARGA TANLOV E'LON QILADI:**

1. "Ingliz tili" kafedrasi katta o'qituvchisi, o'qituvchisi
2. "Roman-german tillari" kafedrasi katta o'qituvchisi (nemis tili), o'qituvchi (ispan tili)
3. "Sharq tillari" kafedrasi o'qituvchi (koreys tili)
4. "O'zbek va rus tillari" kafedrasi dotsenti (o'zbek tili), katta o'qituvchi (rus tili), o'qituvchi (rus tili), o'qituvchi (o'zbek tili), o'qituvchi (jismoniy tarbiya)
5. "Siyosatshunoslik" kafedrasi mudiri, katta o'qituvchisi
6. "Xalqaro munosabatlar" kafedrasi professori, dotsenti
7. "Xalqaro iqtisodiyot" kafedrasi dotsenti, katta o'qituvchisi, o'qituvchisi
8. "Xalqaro moliya va investiitsiyalar" kafedrasi dotsenti, katta o'qituvchisi, o'qituvchisi
9. "Tizimli tahlil va matematik modellashtirish" kafedrasi o'qituvchisi
10. "Fuqarolik huquqi va xalqaro xususiy huquq fanlari" professori, dotsenti, o'qituvchisi
11. "Xalqaro huquq va ommaviy huquq fanlari" kafedrasi professori, katta o'qituvchisi, o'qituvchisi

Hujjatlar (ariza, fotosuratli shaxsiy varaqa, tarjimayi hol, oliy ma'lumot, ilmiy daraja va unvonlar haqidagi diplomlarning nusxalari, ilmiy ishlar ro'yhati) ushbu e'lon chop etilgan kundan boshlab bir oy muddat ichida Toshkent shahri, Mustaqillik shoh ko'chasi, 54, manzilida qabul qilinadi.

Telefon: (71) 267-65-40



MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

O'zbekiston Ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug`bek INOYATOV, Ulug'bek VAFOYEV, Maqsuda VORISOVA, Qalandar ABDURAHMONOV, Guliston ANNAQILICHEVA, Muslihiddin MUHIDDINOV, Hayotxon ORTIQBOYEVA, Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: To'lqin TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 8 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Г — 1037. 3271 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni —
Topshirilgan vaqti —
1 2 3 4 5 6
Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.